# ТОШКЕНТ КАТТА ТЕННИС МУСОБАҚАСИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ УЧУН ЎТКАЗИЛАДИГАН ХАЛҚАРО ТЕННИС МУСОБАҚАСИ МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗ ДОВРУҒИНИ ЖАҲОНГА ЁЯЖАК

**УШБУ Халқаро мусобақага тайёргарлик кўриш ва уни намунали ўтказиш билан шуғулланувчи нуфузли ташкилий қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

**Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг муовини Қ. Тўлаганов бошқарди. Жумҳурият соғлиқни сақлаш вазири, Ўзбекистон теннис федерацияси раиси Ш. Каримов ва теннис мусобақаларини уюштириш билан шуғулланаётган Швейцариянинг «Айтипи» фирмаси президенти, таниқли бизнесмен ва катта теннис мухлиси жаноб Сассон Какшури тайёргарлик ишларининг бориши юзасидан ахборот бердилар.**

ТОШКЕНТ спортнинг кўпгина турлари бўйича йирик халқаро мусобақалар ўтказиш юзасидан тажриба орттирган. Бироқ Президент кубоги турнири ўзгача нуфузга эга. У профессионал теннисчилар ассоциациясининг халқаро тақвимига киритилган. Бинобарин, бундай даражадаги турнирни қабул қилиш катта обрў ва шараф эканлигидан ташқари, юксак масъулият ҳамдир. Барча теннис кортлари, турли жиҳозлар, спортчию тренерларнинг, хорижий журналистлару меҳмонларнинг яшаш шароитлари, уларга кўрсатиладиган хизмат ҳам шунга яраша бўлмоғи керак.

Юнусобод туманида, Тошкент телеминорасининг яқинида ушбу нуфузли турнирнинг асосий мусобақаларини ўтказишга мўлжаллаб 1,4 таноб майдонда янги теннис маркази қурилмоқда. 450 дан зиёд қурувчи ва мўтахассис Ўзбекистоннинг шаънию обрўсини ўйлаб, унумли меҳнат қилаяпти. «Тошкентқурулиш» давлат корпорацияси ташкилотлари, «Махсусмонтажқурилиш» ассоциацияси «Промэнергомонтаж», «Узэлектромонтаж», «Узпромвентиляция» трестлари билан ёрдамга келган.

«Кисловодск» андозасидаги учта модул монтаж қилиб бўлинди. Бу ерда кенг фойе, иккита қишлик теннис корти, спортчи, тренер ва ҳакамлар хоналари бўлади. Икки қаватли бинода пардозлов ишлари бошлаб юборилган. Қишлик кортларга яшил ва мовий рангли сунъий «гилам» тўшалади. Уни Олмониянинг «Балзам» фирмаси етказиб беради. Томошабинлар учун қулай ўриндиқларни эса машҳур «Совпластитал» қўшма корхонаси тайёрлайди. Бинонинг иккинчи қаватида спорт шарҳловчилари ва ҳакамлар хонаси, фахрий меҳмонларга аталган ложалар жойлашади.

Ёпиқ кортлар ёнида олтита ёзлик корт майдони барпо этилмоқда. Улардан тўрттасига сунъий қоплама тўшалади. Марказий корт минбарига металл конструкциялар ўрнатиб бўлинди. 3000 ишқибоз шу минбардан туриб, турнирнинг асосий мусобақаларини томоша қилади. Спорт базасига коммуникация линиялари — сув ва газ тармоқлари туташтирилмоқда, жаҳоннинг исталган мамлакати билан боғланиш имконини берадиган телефон кабеллари ётқизилмоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси тайёргарлик ишларига амалий ёрдам бераяпти. Хорижий теннисчиларнинг Тошкентга учиб келишлари учун рейслар етарли. Турнир бошлангунча, Париж — Тошкент линияси ҳам очилади. Авиакомпания Тайланд спортчиларини барча юклари билан Тошкентга самолётда бепул етказиб келишни ўз зиммасига олди. Ўзимизнинг теннисчиларга ҳар жиҳатдан ҳомийлик қилишни режалаяпти.

Ташкилий қўмита йиғилиши қатнашчилари тайёргарлик ишларини тезлаштириш ва турнирни юксак савияда ўтказиш юзасидан фойдали таклифлар киритдилар. Чунончи, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Анвар Жўрабоевнинг аввал ўтказилган қатор анжуманлар тажрибасидан келиб чиқиб, ушбу турнирнинг матбуот марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Йиғилиш сўнггида биз Ш. Каримов ва С. Какшури билан суҳбатлашдик.



**Ш. КАРИМОВ — Республика соғлиқни сақлаш вазири, Ўзбекистон теннис федерацияси раиси:**

— Мен аввало ёш мустақил давлатимиз бозор муносабатларига ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликларини бошдан кечираётган ҳозирги оғир даврда бундай нуфузли халқаро анжуманни ўтказишга жазм этилганлиги бежиз эмаслигини алоҳида таъкидламоқчиман. Зеро, шу мураккаб кезларда Ўзбекистоннинг «қандайдир» халқаро мусобақа ўтказаётганига ажабланиш билан қараётган собиқ қардош жумҳуриятлар ҳам йўқ эмас. Аммо яқин ва олис хорижликлар бир нарсани яхшилаб билиб олсинларки, ўз ҳудудида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва миллий барқарорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлай олган давлатгина бундай йирик анжуманни ўтказа олади. Иккинчидан, бундай катта мусобақага жазм этган давлатда шунга яраша яъни жаҳон миқёсидаги талаб даражасида спорт базаси ҳам бўлиши керак. Учинчидан, спорт ўйинлари шундай воситаки, у ҳар қандай янги давлатни ҳам тезда дунёга танитишдек қудратга эга. Бинобарин, шахсан юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Президенти кубоги учун ўтказилажак ушбу йирик халқаро теннис мусобақасининг ёш мамлакатимизнинг ҳақиқатан ҳам келажаги порлоқ эканлигини, у иқтисодий мустақилликка жадал элтадиган тўғри йўлдан бораётганини яна бир бор намоён этиши шубҳасиз.

Биз жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюрадиган спортчилару меҳмонларнинг Ўзбекистон билан кенгроқ танишишлари учун иложи бўлган ҳамма чораларни кўрамиз. Чунончи, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёҳатлар уюштириш режалаштирилган. Бу борадаги асосий юмушни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ўз зиммасига олмоқчи. Жаҳоннинг таниқли теннисчилари Самарқандда бўлган чоғларида асосий мусобақалар олдидан сателлит учрашувлари ўтказадилар.

Матбуот, раидо ва телевидение Президент кубоги мусобақаларига тайёргарликнинг бориши шунингдек, асосий учрашувлар тафсилотини кенг ёритиши лозим. Токи, Ўзбекистон ҳам жаҳоннинг қатор маърифатлашган мамлакатлари каби йирик халқаро анжуманларни юксак савияда ўтказа олишга қодир эканлигини жаҳон халқлари амалда кўришсин.



**С. КАКШУРИ — Швейцариянинг «Айтипи» фирмаси президенти:**

— Бизнинг фирмамиз Ўзбекистонда ўтказиладиган бундай нуфузли мусобақани уюштиришни ўз зиммасига олаётгани бежиз эмас. Мустақил Ўзбекистонда Ислом Каримовдек иқтидорли давлат етакчиси раҳбарлигида кенг кўламли ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Сизлардаги сиёсий барқарорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик тадбиркорликни ривожлантириш ва бозор муносабатларини тўла шакллантириш учун кенг имкониятлар яратмоқдаки, бу хорижий бизнесменларда мамлакатингизга катта қизиқиш ва қатъий ишонч уйғотмоқда.

Халқаро турнирни юксак савияда ўтказиш учун ҳамма шарт-шароитлар бор. Президент кубоги баҳсларида элликка яқин чет эллик профессионал теннисчиларнинг иштирок этиши кутилмоқда. Мусобақаларнинг боришини жаҳондаги энг йирик ахборот агентликлари, газета, радио ва телевидение компаниялари кенг ёритадилар. Шу баҳона жаҳон халқлари мамлакатингизнинг сиёсий, тарихий ва маданий салоҳияти нақадар қудратли, ҳақиқатан ҳам ўзбеклар келажаги порлоқ халқ эканлигидан воқиф бўладилар.

Мен Ўзбекистон Президенти кубоги турнирининг «Кремль кубоги» мусобақаларига нисбатан анча юқори даражада ўтишига қатъий ишонаман.

**А. ЙЎЛДОШЕВ.**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*• Ҳамкорлик робиталари*

# Тадбиркорлар учрашуви

**Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш имкониятлари тадбиркорларнинг Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида муҳокаманинг асосий мавзуси бўлди. Уни Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий қўмитаси билан «Кочепрен» корейс халқаро ёшлар уюшмаси ташкил этди. Учрашувда Жанубий Корея, Россия, Ўзбекистон бизнесчилари, АҚШ, Германия ва Жанубий Кореянинг республикамиздаги элчихоналари вакиллари қатнашди.**

Учрашув иштирокчилари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг фаолияти билан танишдилар. Икки миллиондан ортиқ йигит ва қизларни бирлаштирган бу иттифоқнинг асосий вазифаси ёш авлодга ўз имкониятларини рўёбга чиқаришда ёрдам беришдан, ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан, қийин иқтисодий даврда уларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Иттифоқ марказий қўмитаси «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунга асосланиб, ёшлар орасида тадбиркорликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Ёшлар иттифоқининг раҳбарлари хорижий бизнесчиларга шу жамоат ташкилоти ҳузурида тузилган иқтисодий тузилмалар — хўжалик ҳисобидаги марказлар, қўшма ва кичик корхоналар имкониятлари ҳақида сўзлаб бердилар. Бу марказ ва корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришдан ташқари янги, илғор технологияларни яратиш ва жорий этиш билан ҳам шуғулланмоқда. Ўзбекистонлик кўпгина ёш бизнесчилар бошқа мамлакатлардаги касбдошларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлдилар, уларнинг корхоналари халқаро бозорга дадиллик билан чиқмоқда.

Учрашув иштирокчиларидан бири — «Андижонбанк» акциядорлик—тижорат банки бошқаруви раисининг ўринбосари Виталий Жерибиловнинг фикрича, Ўзбекистондаги кўпгина тадбиркорлар ишончли ҳамкорга муҳтождирлар. Виталий бундай учрашувлар ҳамкорларни излашга имкон беришини, бевосита алоқалар ўрнатишга ёрдам қилишини, жиддий мулоқотларни бошлашга сабаб бўлишини таъкидлади.

Республикамиздаги ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамиятга эга, деб таъкидлашди учрашув қатнашчилари. Чунки, статистика маълумотларига қараганда, Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярми 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. Ҳозирги йигит ва қизлар ватан келажагини барпо этадилар, унинг иқтисодий мустақиллиги пойдеворини тиклайдилар.

Учрашув арафасида Андижонда «Тадбиркор-94» республика илмий-амалий семинари бўлди. Семинар қатнашчилари турли тижорат тузилмалари фаолияти тўғрисида бир-бирларига сўзлаб бердилар, ўз касбдошларининг иш тажрибалари билан танишдилар. Семинарда Ёшлар иттифоқи марказий қўмитаси ҳузурида маълумотлар банкини барпо этишга қарор қилинди. Унда республикамиздаги кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги ишларнинг аҳволига доир батафсил маълумотлар тўпланади. Фақат Ўзбекистон ишбилармонлари эмас, уларнинг хориждаги касбдошлари ҳам шу маълумотлардан фойдалана оладилар. Маълумотлар банки ҳамкорлар излашни анча енгиллаштиради, зарур кафолатларни беради

**ЎзА мухбири.**

---

**ФЕРМЕРЛИК — ДЕҲҚОНЧИЛИК КЕЛАЖАГИ**

# «ИНОҚ ҲОВЛИ» ЖАМОАСИ

**Хоразмда чорвачилик боқиманда соҳа ҳисобланар эди. Чунки яйлов йўқ, чорва моллари асосан қўраларда боқилади. Мулкнинг хусусийлаштирилиши бу тармоқнинг ривожига ҳам йўл очмоқда.**

Бундан беш ой муқаддам «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг бош иқтисодчиси Қодирберган Жуматовнинг ташаббуси билан хўжаликнинг «Иноқ ҳовли» ҳудудида жойлашган фермаси негизида ҳиссадорлик жамияти тузилди. Узоқ йиллар чорвачиликнинг оғир-енгилини кўриб, кўзи пишган ўн нафар ташаббускор фермани 310 бош қорамоли, жиҳозлари ва биноси билан биргаликда банк кредити ҳисобидан салкам 45 миллион сўмга сотиб олди. Уларга қирқ гектар ер ажратиб берилди. Ферма хусусийлаштирилгач тўрт ойда 13,2 тонна гўшт, 21.6 тонна сут етиштириб, давлатга топширди. Ҳиссадорларнинг ойлик иш ҳақи икки ярим баробар ортди.

Хўжалик бошқаруви ҳиссадорларнинг меҳнатга бўлган бундай муносабатини қадрлаб, уларга яна етмиш беш гектар ҳосилдор ер ажратиб берди.

«Боғот» жамоа хўжалиги аъзоси Рўзибой Раҳимов 1992 йили фермерликни орзу қилиб, жамоа хўжалигидан имтиёзли қарз кўтарди. 30 бош бузоқ, бўш ётган молхонани сотиб олди. Икки йилдаёқ Рўзибойнинг иш натижалари кўзга кўринди. Моллар сони ҳозир 65 тага етди. Шундан 14 боши соғин сигирлар. Ўтган йили фермер 7 тонна гўшт, 24 тонна сут етиштирди. 4,2 миллион сўм даромад олди. Рўзибойнинг бу йилги иши ҳам чакки эмас. Ҳозиргача тўққиз тоннага яқин сут сотди.

Фермада унинг турмуш ўртоғи Бибижон ва катта фарзандлари ҳам меҳнат қилади. Беш кишилик аҳил жамоа самарали меҳнати билан бугун вилоят тадбиркорларига намуна бўлмоқда.

— Ўн нафар болам бор, шу пайтгача рўзғоримни зўрға тебратар эдим, — дейди Рўзибой. — Фермер бўлгач, меҳнатимнинг самарасини кўряпман. Болаларимнинг суяги меҳнатда қотмоқда. Мен минг машаққат билан бошлаган ишнинг ҳузур-ҳаловатини, насиб этса, фарзандларим ҳам тотиб кўришига ишонаман.

Хоразмда чорвачиликни хусусийлаштириш, фермер хўжаликларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Зарар кўриб ишлаётган 56 та ферма ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Дастлабки натижалар ёмон эмас. Чорва моллари кўпайди, сигирларнинг маҳсулдорлиги ортди. Ҳозир вилоятда етиштирилаётган жами гўштнинг 21,3 фоизи, сутнинг эса салкам 40 фоизи ҳиссадорлик жамиятлари ва шахсий фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**ЎзА мухбири.**

---


1922 йилдан Ўзбекистонда ўз операцияларини амалга ошириб келар экан, шу давр ичида катта тажриба орттирди, 1991 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида пайчилик-тижорат банки сифатида рўйхатга олинди.

Барча турдаги банк операцияларини миллий валюта ҳамда чет эл валютасида бажариш учун бош рухсатномага эга.

У мустақил, ишончли шерик, ўз мижозлари манфаатини ҳимоя қилувчи ва биз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминловчи банкдир.

Халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларидаги ташкилотлар ва корхоналар, шунингдек тижорат банклари ва айрим фуқаролар банкнинг мижозидир.

Ишбилармон шериклари қаторида АҚШ, Германия, Швейцария, Италия ва туркиялик бизнесменлар ҳам бор.

Банкнинг йиллик ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси мустақил, хўжалик ҳисобидаги, пайчилик банки аудит жамияти «Ўзбанкаудит» томонидан 1994 йил 19 февралда 01001/34 рақам билан тасдиқланган.

ЎЗБЕКИСТОН ПАЙЧИЛИК - ТИЖОРАТ, САНОАТ - ҚУРИЛИШ БАНКИ

ЎЗСАНҚУРБАНК

БАЛАНС

(МЛН. СУМ)

| моддалар номи | сальдо актив | сальдо пассив |
|---|---|---|
| Устав фонди | | 72975 |
| Заҳира фонди | | 9386 |
| Маҳсус ва бошқа фондлар | | 23162 |
| Чет эл валютасидаги операциялар | 8114 | 7990 |
| Касса ва ҳисоб варақларидаги чет эл валютаси | 52 | — |
| Пул маблағлари | 4 | — |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги кредит ресурсларини тартибга солиш фонди | 130243 | — |
| Банк акциялари | | |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисоб варағи | 1305232 | 1177403 |
| Мижозларнинг ҳисоб-китоб варақлари | | 675786 |
| Берилган кредитлар | 1260040 | |
| Депозит ҳисоб варақлари | — | 18460 |
| Фуқаролар омонати | | 8671 |
| Ҳисоб-китоб варақларидаги маблағлар | 2771257 | 2829954 |
| Бошқа қарздорлар ва қарз берувчилар | 3737 | 13239 |
| Кам қимматга эга бўлган ва тез ишдан чиқадиган жиҳозлар, хўжалик асбоб-ускуналари | 8570 | — |
| Банклараро кредитлар | — | 649897 |
| Келгуси даврлар даромадлари | | 326 |
| Оборотдан чиқарилган маблағлар | 58257 | |
| Йиллик фойда | | 58257 |
| Баланс | 5545506 | 5545506 |

1993 йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 114969 млн. сўм даромад олинди, банк харажатлари 56712 млн, кўрилган фойда 58257 млн. сўмни ташкил этди.

